

## Энг гўзал суратдаги адолат



09:11 / 29 март 1609

«**Newcastle шахрига кўмир экспорт қилиш нақадар ҳайратланарли?**» деган бир латифа бор. Чунки ушбу шаҳар кўмир экспорти билан машҳурдир. Бундан ҳам ҳайратланарлиси нима эканини биласизми? Мен ҳозир сизларга бундан ҳам ажойибини айтаман. Араб бўлмаган мен каби ажам бир кишининг рисолат эгалари бўлмиш арабларга Рамазон хусусида гапиришидир!!! Мен ўзимга ўзим айтаман: нима учун Рамазон ойи милодий ой билан эмас, қамарий ой билан рўза тутилади? Жавоб шуки, Аллоҳ таоло барча одамларга ҳамма мавсумда рўза тутишни тажриба қилиб кўриш фурсатини берди. Агар рўза қуёш тақвимига мувофиқ бўлганида, шимолда яшовчи мусулмон ҳар йили Рамазон рўзасини қийналмасдан, қиш фаслида тутар эди. Аммо жанубда яшовчи мусулмон ҳар йили ёзда қийинчилик ва машаққатда тутар эди. Қамарий тақвимга кўра эса ҳар бир инсон гоҳида рўзани қишда тутари, гоҳида ёзда тутари. Бу энг гўзал суратдаги айтилган адолатдир.

**Аҳмад Дийдот раҳимаҳуллоҳ**